



Mas'uliyati Cheklangan Jamiyat shaklidagi "DAVR" Auditorlik tashkiloti

Изохлар билан фикр билдирилган АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

«Жахон ихтисослаштирилган аралаш моллари савдо комплекси» АЖ раиси Ш.Хамромухаммадова

Буюртмачи: «Жахон ихтисослаштирилган аралаш моллари савдо комплекси» АЖ.
Манзили: Наманган шаҳар Бобуршоҳ кўчаси, Лола бекатга. СТИР: 201973983.
Хисоб рақами: 20210000600783228001, Халқбанки Наманган бўлими. МФО:00711.

Аудиторлик ташкилоти: МСНЖ шаклидаги "DAVR" аудиторлик ташкилоти.

Аудиторлик ташкилоти бош директори: Нурматов Авазбек Ахмаджонович.

Хисоб рақами: 20208000900208423001. ДАТ "Асахабанк" Наманган бўлими.

МФО:00231. СТИР: 200050179. ИФУТ:69.20.2. Тел: (0-369) 227-05-84.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1993 йил 05 ноябрда рўйхатдан ўтган, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2010 йил 29 ноябрда берилган "Барча хўжалик юритувчи субъектларида аудиторлик текшируви ўтказиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи" АФ №00005-сонли Лицензияга эга булган МСНЖ шаклидаги "DAVR" аудиторлик ташкилоти аудитори Хусайнов Соҳиббой Турсинович (Аудиторлик Малака Сертификати №05462, Ўз.Р.Молия вазирлиги томонидан 2017 йил 14 январда берилган), МСНЖ шаклидаги "DAVR" АТ ва "Жахон ихтисослаштирилган аралаш моллари савдо комплекси" АЖ ўртасида 2018 йил 01 март кунини тузилган №1/65-сонли шартномага мувофиқ хўжалик юритувчи субъект - "Жахон ихтисослаштирилган аралаш моллари савдо комплекси" АЖ бухгалтерияси томонидан тақдим этилган жамиятнинг ташкилий-ҳуқуқий ҳужжатлари, бош китоб, асосий воситалар ва материал ҳисоботлар, дебитор-кредитор қарзлар ва иш хақи ҳисоботлари, ишончномалар китоби, бошланғич бухгалтерия ҳужжатлари ҳамда молиявий ва солиқ ҳисоботларидан иборат 2017 йил якуни бўйича тузилган молиявий ҳисоботларини ишончлилигини мажбурий тарздаги аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги.

- Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботларнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан тақдим этилган ушбу молиявий ҳисоботлар юзасидан фикр билдиришдан иборат. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

"Жахон ихтисослаштирилган аралаш моллари савдо комплекси" АЖнинг илова қилинган молиявий ҳисоботларини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувидан ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бўлиб қурсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни уз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг муносабатимизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асос бўлади.